

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УМАРАЛИЕВА МАЪМУРАХОН ТАШХОДЖАЕВНА

**БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Умаралиева Маъмурахон Ташходжаевна

Биологияни ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш методикасини
такомиллаштириш.....3

Умаралиева Маъмурахон Ташходжаевна

Совершенствование методики формирования компетенций у учащихся при обучении
биологии.....21

Umaraliev Mamurakhon Tashkhodzhaevna

Development of the methods of forming the competences of students in the process of teaching
biology39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 03/30.12.2019.В.91.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

УМАРАЛИЕВА МАЪМУРАХОН ТАШХОДЖАЕВНА

**БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА
КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертациyasi мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped1004 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.Guldu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар:	Толипова Жамила Олимжоновна педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Рахимов Атаназар Каримович педагогика фанлари доктори, доцент Иногамова Дилфуза Рахматуллаевна педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети


Диссертация химояси Гулистон давлат университети хузуридаги PhD.03/30.12.2019.В.91.01 ракамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «17» июль куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4 мавзе. Тел.: (+99867) 225-39-25, факс (+99867) 225-39-25, E-mail: gluinfo.bio@mail.uz.)


Диссертация билан Гулистон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри, 4-мавзе. Тел.: (+99867) 225-39-25

Диссертация автореферати 2021 йил «03» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «03» июлдаги 5-ракамли реестр баённомаси).



 **Х.К.Каршибаев**
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

 **Ф.П.Ганиязарова**
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.д. (PhD), доцент

 **Н.У.Уразбоев**
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши туфайли юқори малакали инсон капитали асосий ресурсга айланаётган шароитда замонавий ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ этиш, табиий фанларни замонавий ривожланиш тенденцияларига мос равишда ўқитишнинг методик асосларини ривожлантириш орқали таълим жараёнини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг методик тизимини яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Шунга кўра, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларга билим ва тарбия беришнинг самарали шакллари ва усулларини таълим тизимида жорий этиш, ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлик даражасини ўстириш ҳамда кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлашдаги янги ёндашувлар асосида биология фанига оид компетенцияларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг етакчи таълим муассасаларида таълимнинг натижавийлиги ва сифатини таъминлашда ижодий ва мантиқий фикрлаш, мустақил изланиш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз амалий фаолиятида қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мазмунини модернизация қилиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига мос равишда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар бўйича таълим сифатини ошириш, таълим тизимида компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва дастурларини жорий этиш, ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришнинг босқичлари, мезонларини ишлаб чиқиш, ўқитувчининг педагогик фаолияти учун зарур дидактик ва методик таъминотни яратишга эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда компетенциявий ёндашувга асосланган таълим, яъни ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида вужудга келадиган муаммоларни ҳал этиш мақсадида мустақил равишда амалда қўллай олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш ва билимларини муттасил орттириш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини чуқур англаган ҳолда мамлакат келажаги йўлидаги масъулиятни зиммасига олиш каби лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълимни йўлга қўйишга сўнгги йилларда катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Таълим-тарбия жараёнини индивидуаллаштириш тамойили асосида ўқувчиларнинг компетентлигини кенгайтиришни таъминловчи замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш, табиий-илмий саводхонлик даражасини ривожлантиришнинг инновацион методларини ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг халқаро тадқиқотларга тайёргарлик кўришлари учун мустақил таълимни жорий этиш,

ўқувчиларда когнитив, коммуникатив ва шахсий фаолиятини ривожлантириш, касбий ва умумхаётий соҳаларда потенциал аҳамиятга эга бўлган компетентли битирувчини тарбиялаш, ўқитувчининг педагогик фаолияти учун зарур дидактик ва методик таъминотни яратиш, таълимга янги ўқитиш шакллари, усулларини, технологияларни жалб этиш, табиий фанларни ўқитиш самарадорлигини орттиришда илғор педагогик технологиялар, таълим ресурсларидан фойдаланиш»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада биология фанини ўқитишда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш босқичлари ва мезонларини аниқлаш, биологиядан ўқув топшириқларини тизимлаштириш асосида ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг дидактик ва методик таъминотини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Компетенция тушунчасининг моҳияти, қўлланиши, компетенцияларнинг турларини аниқлаш борасида хорижий олимлардан J. Delor, Mr.Walo Nutmacher, K. Keen, J. Raven, N. Chomsky, R.W. White кабилар илмий ишлар олиб борган.

МДХ давлатларида компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалга оширишнинг назарий асослари ва педагогик-психологик жиҳатлари О.В. Бережная, Н.А. Васина, И.А. Зимняя, А.К. Маркова, Г.К. Селевко, И.В. Тимошенко, Т.В. Сергеева, И.Э. Смирнова, Н.З. Смирнова, Л.О. Филатова, А.В. Хуторской, С.Д. Якушевлар томонидан ўрганилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

Республикамизда биология ўқитиш методикасини такомиллаштириш юзасидан М.Н. Ибодова, А.К. Рахимов, Ж.О. Толипова, С. Файзуллаев, А.Т. Ғофуров, Г. Эргашева, Л. Қорахоновалар, интерфаол таълимни ташкил этишнинг амалий-технологик жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича У.Ш.Бегимқулов, Р.Х. Джураев, Ж.Ғ. Йўлдошев, Н.Муслимов, М.Тожиев, Ў.Толиповлар, таълим тизими ўқув-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш муаммосини ўрганиш юзасидан Ю.М. Асадов, М.М. Ваҳобов, А.Х. Махмудов, У.Х. Мингбоев, Н.Н. Нарзиева, М.Д. Пардаева, К.Ж. Рискулова, Н.Ш. Турдиев, Ш.Б. Хасанова, Б. Ходжаевлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-ОТ-2019-8 «Умумий ўрта таълим мактабларининг табиий (физика ва биология) фанлари учун янги авлод электрон ўқув-методик қўлланмаларини яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа (2019-2020 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ривожланган хорижий мамлакатлар таълим тизимидаги компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёни методологик асосларини таҳлилий тадқиқ қилиш орқали биология фанига оид компетенцияларнинг функционал компонентларини аниқлаш;

ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш босқичлари ва мезонларини аниқлаш, ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришнинг структуравий-функционал моделини ишлаб чиқиш;

компетенциявий ёндашув устуворлигида Халқаро баҳолаш дастури PISA (Programme for International Student Assessment) талаблари асосида биологиядан ўқув топшириқларини тизимлаштириш орқали ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг дидактик ва методик таъминотини такомиллаштириш;

ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Фарғона вилоятидаги 9 та умумий ўрта таълим мактабларининг 1562 нафар респондент VI-XI синф ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш методлари, воситалари ва шакллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, сўровнома, тест, тажриба-синов, математик моделлаштириш, статистик ва квалиметрик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биология фанига оид компетенцияларнинг илмий билиш, амалиёт, экологик маданиятга доир функционал компонентлари таълим мазмунининг билимлар, фаолият усуллари, ижодий фаолият тажрибалари, кадрлар тизимига интеграцияси асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришнинг структуравий–функционал модели мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив босқичларда билиш мустақиллигини ривожлантириш орқали компетенциялар шаклланиши репродуктив, алгоритмик, қисман изланувчан, мустақил тадқиқий даражалари ҳамда билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил, хулосалаш, ғоялар генерацияси кўрсаткичлари мазмунини очиқ бериш асосида ишлаб чиқилган;

биологияни компетенциявий ёндашув устуворлигида ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти ўқитувчининг педагогик ҳамда ўқувчининг ўқув фаолиятлари узвийлигини таъминловчи дидактик, педагогик, ташхис ўқув-услубий материаллар мажмуасини яратиш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларнинг шаклланиши даражасини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси Халқаро баҳолаш дастури PISA (Programme for International Student Assessment) табиий фанлар бўйича саводхонлик компетенциялари талаблари доирасида ўқув мақсадлари таксономиясига асосланган иерархик топшириқлар тизимини яратиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими компетенциявий ёндашув асосланган давлат таълим стандартининг биология ўқув фани бўйича битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари ишлаб чиқилган ва биология фанидан ўқув дастурлари яратилган;

компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартига мос умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун «Биология» (6-синф), «Биология» (10-синф), «Биология» (11-синф) дарсликлари яратилган;

биология фанини ўқитишни компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг методик таъминоти сифатида ўқитувчилар учун ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган «Ботаника дарслари» (5-синф), «Ботаника дарслари» (6-синф), «Одам ва унинг саломатлиги дарслари» (8-синф), «Биология дарслари» номли ўқув ва методик қўлланмалар ишлаб чиқилган;

халқаро баҳолаш дастури PISA (Programme for International Student Assessment) талаблари асосида ўқувчиларнинг мантиқий, креатив ва мустақил фикр юритиш, ижодий изланиш кўникмаларини ривожлантирадиган ҳамда ўз-ўзини баҳолаш орқали фаолиятини назорат қилиб бориш имконини берадиган дидактик восита сифатида ўқувчилар учун «Биологиядан мустақил ўқув-иш

дафтари» (5-синф, 6-синф), «Биология» (6-синф) ва «Илм сари илк қадам» ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, услуб ва назарий материалларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқот натижалари ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлари воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биология фанига оид компетенциялар, билиш мустақиллиги тушунчаларининг очиб берилганлиги, ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантиришнинг структуравий-функционал модели яратилганлиги, компетенцияларнинг ривожланганлик даражалари ҳамда уларни ташҳислаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти биология фанини ўқитиш жараёнини компетенциявий ёндашув устуворлигида ташкил этишнинг дидактик ва методик таъминоти сифатида яратилган «Биология» (6-синф), «Биология» (10-синф), «Биология» (11-синф) дарсликлари, «Ботаника дарслари» (5-синф), «Ботаника дарслари» (6-синф), «Одам ва унинг саломатлиги дарслари» (8-синф), «Биология дарслари» ўқув-методик қўлланмалари, «Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтари» (5-синф, 6-синф), «Биология» (6-синф) ва «Илм сари илк қадам» ўқув қўлланмалари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида биология фанини ўқитишда қўлланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биология фанини ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

биология фанига оид компетенцияларнинг илмий билиш, амалиёт, экологик маданиятга доир функционал компонентлари таълим мазмунининг билимлар, фаолият усуллари, ижодий фаолият тажрибалари, қадриятлар тизимига интеграциясига доир таклиф ва тавсиялардан «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартининг биология ўқув фани бўйича битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари» ва «Биология фанидан ўқув дастурлари»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 27 августдаги 01/11-03-03-930-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 22 октябрдаги 01-02/3-703-сон маълумотномалари). Натижада, ўқувчиларда фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш имконини берган;

Ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантиришнинг структуравий-функционал моделига доир таклиф ва тавсияларидан умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синф ўқувчилари учун «Биология» дарслиги, ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун «Биология» дарслиги, ўрта таълим муассасаларининг 11-синфи ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун «Биология» дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 27 августдаги 01/11-03-03-930-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур дарсликлар ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Ўқитувчининг педагогик ҳамда ўқувчининг ўқув фаолиятлари узвийлигини таъминловчи дидактик, педагогик, ташхис ўқув-услубий материаллар мажмуасини яратиш асосида биологияни компетенциявий ёндашув устуворлигида ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар «Ботаника дарслари (5-синф)», «Ботаника дарслари (6-синф)», «Одам ва унинг саломатлиги дарслари (8-синф)», «Биология дарслари» ўқув-методик қўлланмаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказининг «Биология фанини ўқитишда замонавий ёндашувлар ва инновациялар» модули, «Биология фанини ўқитиш методикаси» модули, «Танлов ўқув модули» ни яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 27 августдаги 01/11-03-03-930-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш имконини берган;

Ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолашга йўналтирилган ўқув мақсадлари таксономиясига асосланган иерархик топшириқлар тизимига оид таклиф ва тавсиялар асосида 5-, 6-синфлар учун “Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтари”, «Илм сари илк қадам» номли ёш тадқиқотчи кундалиги, «Биология» ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 22 октябрдаги 01-02/3-703-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 27 августдаги 01/11-03-03-930-сон маълумотномалари). Мазкур қўлланмалар ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини орттириш, мустақил таълимни жорий этиш ва ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилган. Натижада ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларнинг шаклланганлик

даражасини назорат қилиш ва баҳолаш методикасини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 9 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан 3 та дарслик, 10 та ўқув методик қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та мақола (7 та республика ва 3 та хорижий журналларда) нашр этилган, 2 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Биологик таълим-тарбия жараёнини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари**»га бағишланган биринчи бобида компетенциявий ёндашув асосида узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ҳамда модернизациялаш орқали биологик таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари, компетенциявий таълим шароитида ўқув жараёнига инновацион технологияларни самарали қўллаш орқали ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини дидактик мақсадларга мувофиқ ташкил этиш, компетенциявий ёндашув асосида биология ўқув фани мазмунини такомиллаштириш муаммоси таҳлил этилган ва назарий асослари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йуналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишни такомиллаштириш, инновацион ғоя ва ишланмаларни амалиётга жорий этиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири саналади. Шу сабабли, таълим-тарбия жараёнининг сифати ва самарадорлигини орттириш бугунги кун талаби бўлиб, давлат ва жамият эҳтиёжи, фан ва техниканинг ривожланиш тенденциялари асосида ишлаб чиқилган компетенциявий ёндашувга

асосланган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларининг амалиётга жорий этилишига боғлиқ.

Таълимда компетенциявий ёндашув олимлар томонидан берилган кўп талқинларга эга бўлганлиги сабабли, тушунча нуқтаи назаридан ҳамда методологик жиҳатдан таҳлил қилишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан компетенцияларни шакллантириш йўли билан таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини оширишга оид тадқиқотлар ва адабиётларни таҳлил қилиш орқали компетенция, компетентлик тушунчалари моҳияти, компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мақсадлари очиб берилган.

Таълим тизимига компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш муаммоси, «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларининг тузилмаси ва мазмуни республикамиз олимларидан Ю.М. Асадов, М.М. Вахобов, Р.Ҳ. Жўраев, А. Махмудов, А.К. Рахимов, К. Рискулова, Р.Сафарова, Б.Х. Ходжаев, Н.Ш. Турдиев; МДҲ давлатлари олимлари О.В. Бережная, Э.Ф. Зеер, И.А. Зимняя, Г.И. Ибрагимов, А.К. Маркова, Э. Самаюк, Г.К. Селевко, Н.З. Смирнова, Л.О. Филатова, А.Т. Хуторской, М.А. Чошанов, О.Н. Ярыгин; хорижлик олимлардан J. Delor, K. Keen, J. Raven, N. Chomsky, R.W. White томонидан таҳлил қилинган ва ўзига хос ёндашувлар асосида мазкур тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган.

Компетенция сўзи латин тилидаги «competo», «competentia» сўзларидан олинган бўлиб, эришаман, мос келаман, лойиқ каби маъноларни билдиради. Муайян соҳада компетент шахс тегишли билим ва кўникмаларга эга бўлиб, бу билим ва кўникмалар унга ушбу соҳада асосли фикр юритиш ва самарали фаолият юритишга имкон беради.

Тадқиқот давомида компетентлик таълим сифати кўрсаткичларидан бири эканлиги эътиборга олинган ҳолда тушунчага қуйидагича ёндашилди: компетентлик ўқувчиларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини фаоллаштириш, янгилаш, коррекциялаш, интеграциялаш, янги мазмун билан бойитиш ва муайян муаммоли вазиятларда муваффақиятли қўллай олиши билан тавсифланадиган кўрсаткичдир.

Тадқиқот давомида ўқитиш шакллари: дарс, дарсдан ташқари ишлар, синфдан ташқари машғулотларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш орқали компетенциявий ёндашувга асосланган биологик таълим мазмуни бойитилди.

Ж.О.Толипова компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда эгалланган билим, кўникма ва малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатларини шакллантиришга йўналтирилган таълимдир, деб ҳисоблайди.

Шахсининг умумий ривожланиши, мустақил ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларни йўлга қўя билиши, ижтимоий ҳаётда ва жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, ҳаётини фаолиятида учрайдиган муаммоларни ҳал этиши, касбий соҳаси доирасида рақобатбардош кадр бўлиши учун замин тайёрлайдиган компетенциялар таянч компетенциялар дейилади.

Биология ўқув фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган компетенциялар фанга оид компетенциялар дейилади. Фанга оид компетенциялар ўқувчиларнинг биология фани бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиш ва амалиётда қўллай олиш қобилиятидир.

Тадқиқот давомида дунёнинг ривожланган давлатларида қабул қилинган давлат таълим стандартларидаги компетенциялар таҳлил қилинди, мазкур масалага ёндашувлар ҳар бир мамлакатнинг таълимдан кўзлаган мақсади, имконияти ва шарт-шароитларидан келиб чиққанлигини кўрсатди.

Таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, баркамол шахсни тарбиялашга йўналтирилтириш, ўқитиладиган умумтаълим фанлари мазмунининг изчиллигини таъминлаш мақсадида шакллантирилган таянч компетенциялар, ҳар бир ўқув фани мазмунидан келиб чиққан ҳолда фанга оид компетенцияларнинг мазмун-моҳияти: илмий билиш (биологик объектларни таниш, уларда борадиган жараёнларни тушуниш ва изоҳлаш компетенцияси), амалиёт (биологик объектларда борадиган жараёнларни кузатиш, тажрибалар ўтказиш ва хулоса қилиш компетенцияси), экологик маданият (соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция) ёритилди.

Методист олимлар томонидан ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш асосида таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш муаммоси юзасидан алоҳида изланиш олиб борилмаган. Тадқиқот давомида биологик таълим-тарбия жараёнини компетенциявий ёндашув асосида ташкил этишда ўқувчиларнинг билиш мустақиллигининг ўрни тадқиқ этилди. Ўқувчиларда билиш мустақиллигини ривожлантириш педагогик муаммо сифатида ўрганилиб, етук олимлар ва мутахассисларнинг билиш мустақиллигининг моҳиятини англаш ва изоҳлашга оид ёндашувлари, педагогик ва психологик қарашлари кўриб чиқилиб таҳлил қилинди.

Дидактик адабиётларда билиш мустақиллигининг мазмуни ва моҳияти турлича ёритилган ва эътироф этиладиган ягона таъриф берилмаган. Билиш мустақиллигининг моҳияти, структураси ҳақида турли нуқтаи назардан айтилган фикрларни инобатга олган ҳолда билиш мустақиллиги тушунчасига икки томонлама: инсоннинг билиш фаолияти жараёни, унинг натижалари, амалга ошириш шарт-шароитларига бўлган муносабати (ўқув мотиви), мустақил равишда ўз билиш фаолиятини амалга ошириш имкониятлари (билим, маҳорат, лаёқат, ирода)ни акс эттирувчи хусусият сифатида; инсоннинг ўз билиш фаолиятини (мақсаднинг қўйилишидан то натижалар баҳоланишигача) амалга оширишнинг турли босқичлари (изоҳлашдан то ижодкорликкача) да ўз-ўзини бошқаришида намоён бўладиган хусусияти сифатида ёндашиш мумкин.

Тадқиқот давомида билиш мустақиллиги шахснинг ўз олдига аниқ мақсадларни қўя билиш ва шу мақсадларга ўз кучи билан эриша олиш, олинган билимлардан амалиётда фойдалана олиш, мустақил билим олиш устида ишлаш, ўз фикрини ҳимоя қила олиш, ташаббускорлик ва

фаолликни намоён қилиш каби қобилият ва маҳоратлар мажмуи сифатида талқин этилиб, ўқувчилар билиш мустақиллигининг ривожланганлик даражалари (репродуктив, алгоритмик, қисман изланувчан, мустақил тадқиқий) ва мезонлари аниқланди.

Диссертациянинг «**Биологияни ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш асослари**» га бағишланган иккинчи бобда ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантиришнинг методик тизими, биология дарсларида, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш методикаси ёритилган.


Ўқувчиларда компетенцияларнинг ривожланганлик даражасига мувофиқ таълим мазмунини танлаш, ўқувчиларни ижодий изланишга йўналтирувчи ва рағбатлантирувчи таълим муҳитини яратиш, ўқувчиларда компетенцияларнинг ривожланганлик даражаси динамикасини тадқиқ этиш асосида фанга оид компетенцияларни шакллантириш жараёни структуравий - функционал модели ишлаб чиқилди.

Ушбу модел ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш жараёни тузилмасини тасаввур этиш, элементларининг ўзаро боғлиқлигини англаган ҳолда компетенциявий ёндашувни амалга оширишнинг яхлитлигини ифодалайди (1-схема).

Тадқиқот давомида ўқувчиларда ДТС томонидан меъёрланган билим, кўникма ва малака, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш мақсадида «Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтари» (5-синф, 6-синф), «Биология» (6-синф) ўқув кўлланмалари тайёрланди ва дарс, дарсдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг зарур дидактик воситаси сифатида методик жиҳатдан асосланди.

Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтарида берилган топшириқлар дарслик билан ишлаш кўникмалари: дарслик ёрдамида мўлжал олиш, матн ва расмлар билан ишлай олиш, мавзудаги асосий ғояни ажрата билиш, саволларга жавоб бера олиш; кўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникмалари; амалий кўникмалар; меҳнат кўникмаларини таркиб топтириш орқали ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга қаратилган. Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтарида таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, коррекцияловчи, бўшлиқларни тўлдириш, янги билимларни ўзлаштиришга замин яратиши каби дидактик функциялари аниқланди. Биологиядан ўқувчининг мустақил ўқув-иш дафтари тузилмаси 2-схемада ифодаланган.

Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири синфдан ташқари фаолиятни кўллаш ҳисобланади.



1- схема. Ўқувчиларда биология фанга оид компетенцияларни шакллантириш жараёни модели.

Синфдан ташқари ишларнинг шакли сифатида ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятининг мазмун-моҳияти ёритилди.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти бўйича Р.Х. Джураев, Б.Х. Рахимов, Р.Г. Сафарова, Л.М. Қарахонова, Н.Н. Нарзиева ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борганлар.

Тадқиқотчилик фаолияти қуйидаги босқичлардан иборат: тадқиқот мавзусини танлаш ва мақсадларни белгилаш; тадқиқотни режалаштириш ва методларини белгилаш; тадқиқотдан кутиладиган натижани муҳокама қилиш ва баҳолаш, маълумотлар тўплаш, тажрибалар ўтказиш, натижаларни таҳлил қилиш; олинган далилларга асосланиб тадқиқот натижаларини баҳолаш, хулосалаш; олиб борилган ишни расмийлаштириш.


Ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этишдан кутиладиган натижалар: ўқувчилар ўқув дастурида белгилан доирадан чиқувчи билимларга эга бўладилар; илмий - тадқиқот усуллари ва методларини эгаллайдилар; зарур билимларни топиш учун мустақил равишда қўшимча адабиётлар билан ишлашни ўрганадилар; керакли маълумотларни танлаш, саралаш кўникмасини эгаллайдилар; ўзининг шахсий фикрини билдириш, хулосалар чиқариш малакасига эга бўладилар.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятида орттирган кўникмалари келгусида мустақил равишда илмий - тадқиқотлар олиб боришлари учун замин бўлади.

Ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди ва «Илм сари илк қадам» номли ёш тадқиқотчи кундалиги амалиётга татбиқ этилди. Ўқувчиларнинг илмий тадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **«Биологияни ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш юзасидан ташкил этилган педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги»** номли учинчи бобда биологияни ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича педагогик тажриба-синовнинг мазмуни ва моҳияти, педагогик тажриба-синов ишларининг самарадорлиги, педагогик тажриба натижаларини амалиётга жорий этиш йўналишлари баён этилган.

Тажриба-синов ишлари тўрт босқичда: тажриба-синов ишлари бўйича аниқловчи (2015-2016), таъкидловчи (2017-2018), шакллантирувчи (2018-2019), яқунловчи (2019-2021) босқичдан иборат бўлиб, педагогик эксперимент Фарғона вилояти Қўқон шаҳар 22-, 35-, 40-умумтаълим мактаблари, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар 14-умумтаълим мактаби, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани 3-, 5- умумтаълим мактаблари, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 12-, 105-умумтаълим мактаблари, Тошкент шаҳар Абу Али ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернатида ташкил этилди.



2-схема. Ўқувчининг биология фанидан мустақил ўқув-иш дафтери тузилмаси

**Ўқувчиларда фанга доир компетенцияларнинг шакллантириш
самарадорлиги (тажриба бошида ва охирида)**

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Репродуктив даража	Қисман алгоритмик даража	Қисман изланувчан даража	Мустақил тадқиқий даража	
Биологик объект, ходиса, жараёнларни тушуниш, таниш, изоҳлаш компетенцияси						
Тажриба гуруҳи	бошида	782	243	328	152	59
	охирида	782	75	352	208	147
Назорат гуруҳи	бошида	780	241	325	154	60
	охирида	780	238	324	152	66
Биологик объект, ходиса, жараёнлар устида кузатиш ва тажрибаларни ўтказиш компетенцияси						
Тажриба гуруҳи	бошида	782	211	345	172	54
	охирида	782	76	321	242	143
Назорат гуруҳи	бошида	780	190	346	182	62
	охирида	780	190	346	182	62
Соғлом турмуш тарзи ва экологик компетенция						
Тажриба гуруҳи	бошида	782	201	356	170	55
	охирида	782	74	306	258	144
Назорат гуруҳи	бошида	780	205	348	171	56
	охирида	780	183	342	191	64

Ўқувчиларда билиш мустақиллигининг ривожлантириш асосида фанга оид компетенцияларнинг шакллантирилганлик даражасини диагностика қилиш учун биологиядан «Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтари (5-синф, 6-синф)», «Биология (6-синф ўқувчилари учун)» ўқув қўлланмаларида берилган топшириқлардан, билиш мустақиллигини шакллантириш асосида фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган стандарт ва ностандарт тест топшириқлари, иерархик топшириқлардан фойдаланилди.

Компетенцияларнинг ривожланганлик даражалари ҳамда компетенцияларнинг ривожланганлик даражаларини ташхислаш мезонларига мувофиқ топшириқлар учун даражалар белгиланди: репродуктив даража характеридаги топшириқ; алгоритмик даража характеридаги топшириқ; қисман-изланувчанлик даражаси характеридаги топшириқ; мустақил тадқиқий даража характеридаги топшириқ. Тажриба-синовдан олинган натижаларнинг 1-жадвалда келтирилган. Ҳисоблашлар биология фанини ўзлаштиришда компетенцияларнинг шаклланиш самарадорлик кўрсаткичи тажриба гуруҳларида назорат гуруҳларига қараганда 1,16 баробар юқори эканлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

“Биологияни ўқитишда ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш методикасини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўқувчиларда Давлат таълим стандартлари билан меъёрланган билимларни шакллантириш, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш баробарида компетенцияларни шакллантириш муаммоси таълим-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашувни жорий этишни тақоза этди, мазкур жараён фанга оид компетенцияларнинг функционал компонентларини аниқлаш, методик ва дидактик таъминотини такомиллаштириш заруратини вужудга келтирди.

2. Фан-техника тараққиёти, рақамли иқтисодиётнинг ижтимоий ҳаёт ва шахснинг кундалик турмуш тарзига таъсири инобатга олинган ҳолда ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш муаммоси биологияни ўқитиш методикаси, хусусан, таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шакллари такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Мазкур зарурат ўқувчиларда билиш мустақиллигини ривожлантириш орқали биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш босқичлари (мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив), мезонлари (репродуктив, алгоритмик, қисман изланувчан, мустақил тадқиқий), структуравий-функционал моделини такомиллаштиришга асос бўлади.

3. Ўзбекистон таълим тизимига татбиқ этилаётган халқаро баҳолаш дастури PISA (Programme for International Student Assessment) талаблари асосида биология ўқув фанидан топшириқлар тизими (репродуктив, алгоритмик, қисман изланишли, креатив)ни ўзида мужассамлаштирган ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришнинг методик таъминоти таълим самарадорлигини ошириш ҳамда объектив натижалар олишга замин яратади.

4. Дидактик ўқув мақсадлари таксономияларига асосланган иерархик топшириқлар технологиясини таълим жараёнига татбиқ этиш орқали ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шаклланганлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш имконияти яратилади. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган фанга оид компетенцияларни шакллантириш жараёнининг илмий ва методик асосланган моделининг негизини идентив ўқув мақсадлари, компетенциявий ёндашувнинг тамойиллари ташкил этиб, педагогик шарт-шароитлари эса ўзида таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари ва шакллари узвийлиги, ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни шакллантириш босқичлари, ривожланганлик даражаларини аниқлаш мезонларини мужассамлаштиради.

5. Биологиядан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида ўқитиш шакллари: муаммоли дарс, ўқув баҳси, тажриба ва кузатиш, гуруҳли ва индивидуал мустақил ишларни қўллаш, ўқувчиларда билиш мустақиллигини ривожлантириш асосида мақсадли равишда касбга йўналтириш, таълим самарадорлигини орттириш, таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш имконини берадиган «Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтари (5-синф, 6-синф)», «Биология (6-синф ўқувчилари учун)» ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди ва педагогик жараёнга татбиқ этилди.

Тадқиқот иши доирасида олинган натижаларга кўра қуйидаги тавсиялар илгари сурилди:

биологияни ўқитиш жараёнини компетенциявий ёндашув устуворлигида ташкил этишнинг дидактик ва методик таъминоти сифатида яратилган «Ботаника дарслари» (5-синф), «Ботаника дарслари» (6-синф), «Одам ва унинг саломатлиги дарслари» (8-синф), «Биология дарслари (академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқитувчилари учун ўқув қўлланма)» номли ўқув-методик қўлланмалардан биология ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш ва малакасини оширишда фойдаланиш;

халқаро баҳолаш дастури PISA (Programme for International Student Assessment) талаблари асосида ўқувчиларнинг мантикий, креатив ва мустақил фикр юритиш, ижодий изланиш кўникмаларини ривожлантирадиган ҳамда ўз-ўзини баҳолаш орқали фаолиятини назорат қилиб бориш имконини берадиган дидактик восита сифатида ишлаб чиқилган ўқувчининг биологиядан «Биологиядан мустақил ўқув-иш дафтари» (5-синф, 6-синф), «Биология» (6-синф ўқувчилари учун) ўқув қўлланмалари, ўқувчиларнинг илмий тадқиқотларига мўлжалланган «Илм сари илк қадам» ёш тадқиқотчи кундалигидан амалиётда фойдаланиш;

ўқувчиларда биология фанига оид компетенцияларни шакллантириш, компетенцияларнинг шаклланганлик даражасини назорат қилишга йўналтирилган ўқув мақсадлари таксономиясига асосланган иерархик топшириқлардан амалиётда фойдаланиш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD 03/30.12.2019.В.91.01
ПРИ ГУЛИСТАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

УМАРАЛИЕВА МАЪМУРАХОН ТАШХОДЖАЕВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ФОРМИРОВАНИЯ
КОМПЕТЕНЦИЙ У УЧАЩИХСЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ БИОЛОГИИ**

13.00.02 - Теория и методика образования и воспитания (биология)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Гулистан - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Ped100.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по адресу (www.Guldu.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Талипова Жамила Олимжоновна,
доктор педагогических наук, доцент

Официальные оппоненты: Рахимов Атаназар Каримович,
доктор педагогических наук, доцент
Иногамова Дилфуза Разматуллаевна,
кандидат педагогических наук, доцент


Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «17» июля 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании разового совета на базе Научного совета по присуждению ученых степеней PhD 03/30.12.2019.В.91.01 при Гулистанском государственном университете (адрес: 120100, Сирдарьинская область город Гулистан, мкр 4. Тел.: (+99867) 225-39-25, факс (+99867) 225-39-25, E-mail: gluinfo.bio@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Гулистанском государственном университете. Адрес: 120100, Сирдарьинская область город Гулистан, мкр 4. Тел.: (+99867) 225-39-25.

Автореферат диссертации разослан «03» июля 2021 года
(реестр протокола рассылки № 5 от «03» июля 2021 года).




 **Х.К.Каршибаев**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

 **Ф.Н.Ганиязарова**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.б.н. (PhD), доцент

 **Н.У.Урабоев**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., (Dsc) профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Благодаря быстрому развитию цифровой экономики, в мире, где мобильный и высококвалифицированный человеческий капитал становится основным ресурсом, достигаются значительные результаты в создании научно-методической системы образовательного процесса основанного на компетентностном подходе, за счет внедрения информационных и коммуникационных технологии. Сегодня важной задачей в сфере образования является внедрение эффективных форм и методов обучения и воспитания учащихся на основе национальных, общечеловеческих и духовных ценностей, внедрение педагогических и современных информационных и коммуникационных технологий в образовании, науке и образовании, обеспечение эффективной интеграции производства.

В ведущих образовательных учреждениях мира для обеспечения эффективности и качества обучения уделяется внимание на решение вопроса модернизации содержания образования на основе грамотного подхода, направленного на развитие творческого и логического мышления, способности самостоятельно исследовать, умения применять знания, навыки и умения на практике. Такие актуальные задачи, как повышение качества образования за счет социально-экономических реформ, проводимых в соответствии с требованиями развитого демократического государства, внедрение в систему образования государственных образовательных стандартов и учебных программ на основе компетентностного подхода, формирование у учащихся ключевых и предметных компетенции и создание необходимого дидактического и методического обеспечения педагогической деятельности учителя, требуют проведения научных исследований в этой области.

В нашей Республике большое внимание было уделяется на внедрение образования, основанного на компетентностном подходе, направленного на формирование у учащихся способностей самостоятельно применять знания, умения и навыки, для решения личностных, профессиональных и социальных проблем, осознанного выбора профессии, к самостоятельному обучению и повышению знаний с использованием информационных и коммуникационных технологий, принять на себя ответственность за будущее страны с глубоким пониманием своих прав и обязанностей. Концепция² развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года определяет ряд задач, в том числе «Использование современных образовательных технологий для расширения компетенций учащихся, основанных на принципе индивидуализации образовательного процесса, разработка инновационных методов развития естественнонаучной грамотности учащихся, внедрение и

² Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № ПФ-5712 об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года. (Национальная база данных законодательства, 29 апреля 2019 г., № 06/19/5712/3034)

развитие самостоятельного обучения учащихся для подготовки к международным исследованиям, подготовка компетентных выпускников, имеющих потенциальное значение в профессиональной и социальной сферах, дидактическое и методическое обеспечение педагогической деятельности преподавателя, привлечение новых форм, методов, технологий обучения в образовании, использование передовых технологий педагогических, образовательных ресурсов для повышения эффективности преподавания естественных наук». В этой связи определение этапов и критериев формирования предметных компетенций в преподавании биологии, совершенствование дидактического и методического обеспечения организации учебного процесса на основе систематизации учебных заданий по биологии имеет большое научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № 4947 «О стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Указе Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № 5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», в постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 8 декабря 2018 года № 997 «О мерах по организации международных исследований в сфере оценки качества образования в системе народного образования», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года № 4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология» также других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование диссертации проводилось по приоритетному направлению развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства и пути их реализации». развитие информированного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Учеными зарубежных стран J.Delor, Mr.Walo, Nutmacher, K.Keen, J.Raven, N.Chomsky, R.W. White рассмотрены вопросы по определению сущности понятия компетенция, типов компетенций, их применение.

Ученые стран Содружества Независимых Государств О.В.Бережная, Н.А. Васина, И.А. Зимняя, А.К. Маркова, Г.К. Селевко, И.В. Тимошенко, Т.В. Сергеева, Н.З. Смирнова, Л.О. Филатова, А.В. Хуторской, С.Д. Якушева провели исследования по изучению теоретических основ и педагогически-психологических аспектов реализации компетентностного подхода в системе образования.

Совершенствование методики преподавания биологии в нашей республике изучены М.Н. Ибодовой, А.К. Рахимовым, Ж.О. Толиповой, А.Т. Гафуровым, С. Файзуллаевым, Г. Эргашевой, Л. Карахановой практические и технологические аспекты организации интерактивного образования отражены в научных исследованиях Р.Х. Джураева, Ю.Э.Юлдашева, Н. Муслимова, Д. Рузиевой, М. Тожиева, У. Толипова. Над проблемой применения компетентностного подхода в образовательном процессе проводили научные исследования Ю.М. Асадов, М.М. Вахобов, А.Х. Махмудов, У.Х. Мингбоев, Н.Н. Нарзиева, М.Д. Пардаева, К.Я. Рискулова, Н.Ш. Турдиев, Ш.Б. Хасанова, Б.Х. Ходжаев.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационная работа входит в план научно-исследовательских работ Узбекского научно-исследовательского института педагогических дисциплин имени Т.Н. Кари-Ниязи, работа выполнена в рамках практического проекта (2019-2020 гг) на тему с государственным регистрационным номером № И-ОТ-2019-8 «Разработка и внедрение в учебный процесс нового поколения электронных учебных пособий для естественных наук (физика и биология) средних школ».

Целью исследования является совершенствование методики формирования у учащихся предметных компетенций по биологии.

Задачи исследования:

выявление функциональных компонентов предметных компетенций через анализ методологических основ образовательных процессов системы образования развитых зарубежных стран, основанных на компетентностном подходе;

выявление этапов и критериев формирования компетенций у учащихся в преподавании биологии, разработка структурно-функциональной модели формирования предметных компетенций;

совершенствование дидактического и методического обеспечения организации учебного процесса путем систематизации учебных заданий в соответствии с требованиями Международной программы по оценке образовательных достижений учащихся PISA (Programme for International Student Assessment) с приоритетом компетентностного подхода;

усовершенствование методики мониторинга и оценки уровня сформированности предметных компетенций по биологии у учащихся.

Объектом исследования является процесс формирования у учащихся предметных компетенций по биологии. К экспериментальной работе привлечено 1562 респондентов из учащихся VI-XI классов девяти общеобразовательных школ Ташкентской, Самаркандской и Ферганской областей.

Предмет исследования - содержание, методы, инструменты и формы процесса формирования у учащихся предметных компетенций по биологии.

Методы исследования. В процессе исследования использованы такие методы, как педагогическое наблюдение, сравнительный анализ, опрос, тестирование, эксперимент, математическое моделирование, статистический и квалиметрический анализ.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

